International Journal of Finance and Digitalization
www.ijfd.uz
ISSN: 2181-3957
Vol. 2 Issue 05, 2023

**PhD Сардор ОМОНОВ**
**Тошкент молия институти**

# ЎЗБЕКИСТОН КАПИТАЛ БОЗОРИДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТОРЛАР ФАОЛИЯТИДАГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

**Аннотация.** Мазкур мақолада мамлакатимиздаги капитал бозорида институционал инвесторлар фаолиятидаги айрим масалаларни ўрганишда миллий капитал бозорининг жорий ҳолати, иштирокчилари ва муаммоли жиҳатларга эътибор қаратилган. Таҳлиллар асосида тегишли хулосалар ва таклифлар шакллантирилган.

**Таянч сўзлар:** капитал бозори, институционал инвестор, тижорат банклари, суғурта компаниялари, инвестиция фондлари, акция, облигация.

# SOME ISSUES IN THE ACTIVITY OF INSTITUTIONAL INVESTORS IN THE CAPITAL MARKET OF UZBEKISTAN

**Abstract.** This article focuses on the current situation, participants and problematic aspects of the national capital market in the study of some issues in the activity of institutional investors in the capital market of our country. Based on the analysis, appropriate conclusions and proposals are formed.

**Keywords:** capital market, institutional investor, commercial banks, insurance companies, mutual funds, stock, bond.

## Кириш

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни самарали амалга оширишда инновацион ривожланишни ташкил этиш, соғлом инвестицион муҳит яратиш, институционал инвесторларни иқтисодиётга кенгроқ жалб қилиш муҳим ҳисобланади. Ушбу жараёнда нафақат реал секторга, балки капитал бозорига ҳам институционал инвесторларни жалб қилиш, уларнинг инвестиция киритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, институционал инвесторлар иштирокини таъминлаш орқали капитал бозорини ривожлантириш зарур. Институционал инвесторлар ўз молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш, фаолиятини кенгайтириш, айниқса, фойдани максималлаштириш мақсадида капитал бозорида фаоллик кўрсатмоқда. Капитал бозорида институционал инвесторлар фаоллигининг ошиши натижасида маҳаллий капитал бозорини ривожлантириш, бўш пул маблағларидан самарали фойдаланиш, инвестицион жозибадорликни ошириш, маҳаллий корхоналарни ривожлантириш мумкин. Ривожланган ва

ривожланаётган мамлакатлар капитал бозорида институционал инвесторлар фаолиятини ўрганиш асосида маҳаллий капитал бозорини ривожлантириш ва унда институционал инвесторлар фаоллигини ошириш зарур. Хорижий институционал инвесторларни жалб қилиш орқали мамлакатимизда капитал бозорини ривожлантириш, янги техника-технологиялар кириб келишини таъминлаш, капитал бозори инфратузилмасини ривожлантириш, капитал бозорида институционал инвесторлар фаоллигини ошириш мумкин. Шу сабабли мамлакатимиз капитал бозорига институционал инвесторларни жалб қилиш, улар иштирокини кенгайтириш эвазига капитал бозорини ривожлантириш долзарблик касб этади.

**Адабиётлар шарҳи**

Капитал бозорини самарали шакллантиришда институционал инвесторлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш, эркин фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, инвестицион жозибадорликни ошириш, ахборотлар очиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида турли олимлар томонидан изланишлар олиб борилган. “Капитал бозори бу жисмоний шахслар ва бизнес субъектлар томонидан қарз қимматли қоғозлари ва улуш муносабатидаги қимматли қоғозлар сотиб олинадиган ва сотиладиган уюшган бозор ҳисобланади. Бу бозор назорат қилувчи органлар томонидан қимматли қоғозлари савдосига рухсат берилган компаниялар учун асосий маблағ манбаи ҳисобланади, чунки компаниялар ўз қарз мажбуриятларини ва ўз капиталини инвесторларга бемалол сотиши мумкин. Шунингдек, ҳукуматлар маблағларни жалб қилиш учун капитал бозорларидан, одатда, узоқ муддатли облигациялар чиқариш орқали фойдаланадилар” [1]. Капитал бозорида ҳукуматларнинг ҳам иштирок этиш имкониятлари ушбу бозорнинг аҳамиятини ошириб беради.

“Капитал бозори узоқ муддатли қимматли қоғозлар бозори бўлиб, одатда, муддати бир йилдан ортиқ бўлган қимматли қоғозларни қамраб олади. Қарз олувчилар ва кредиторлар ўртасида маблағларни самарали ўтказиш учун капитал бозорларининг аҳамиятини эътибордан четда қолдириб бўлмайди” [2]. Капитал бозорида капиталларнинг узоқ муддатга жалб қилиш имконияти мавжуд эканлиги капитал жалб қилувчилар учун қулайлигини таъкидлашимиз лозим. Шунингдек, капитал бозорида пул маблағларининг қайта тақсимланиши, иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамиятини ҳам таъкидлаш зарур.

“Капитал бозори молиявий ресурслардан самарали фойдаланишда муҳим рол ўйнайди ва шу билан бирга узоқ муддатли молиявий активларни харид қилишда самарали ҳисобланади. Шунингдек, у жисмоний шахслар ва молиявий институтлар учун инвестиция имкониятини беради” [3].

International Journal of Finance and Digitalization
www.ijfd.uz
ISSN: 2181-3957
Vol. 2 Issue 05, 2023

Хорижий олимлардан Р.А.Ламберт, С.Леуз, Р.Е.Верресчиалар фикрига кўра, “институционал инвестор деганда бозор кучига эга бўлган ва шу билан қимматли қоғозлар бозорида ахборот узатиш ва нархларни белгилашга таъсир кўрсатадиган инвестор тушунилади” [4]. Ушбу таъкидланган жиҳатлар институционал инвесторларнинг капитал бозорига таъсирини ифодалашга ёрдам беради.

Ф.Вен, К.Зоу, Х.Ванг институционал инвесторлар фаолиятининг бир қатор хусусиятларини таъкидлаб ўтишган. “Юридик шахс сифатида институционал инвесторлар қимматли қоғозларга инвестицияларни ўз маблағлари ёки йиғилган жамоатчилик маблағлари ҳисобидан амалга оширади. Институционал инвесторлар бошқариладиган активларнинг аксарият қисмига эгалик қилганликлари сабабли улар фонд бозорида тобора муҳим рол ўйнамоқда ва уларнинг фаолиятига кенг эътибор қаратилмоқда” [5]. Бу шундан далолат берадики, халқаро капитал бозорида институционал инвесторлар ҳам ўз активлари билан, ҳам жалб қилинган капитал билан фаол иштирок этиши мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида “маҳаллий капитал бозорларини ривожлантириш, хусусан, облигациялар чиқариш орқали кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш учун капитал жалб қилиш” [6] масалалари ҳам кенг миқёсда тадқиқ этилган бўлиб, ушбу жиҳатлар капитал бозорининг аҳамиятини янада оширади.

С.Элмирзаев фикрича, “потенциал инвесторларни жалб қилиш мақсадида тақдимотлар ўтказиш жараёнида инвестор фаолияти ташкил этилган давлатда солиққа тортиш даражасини ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки дивидендларга нисбатан солиқ юки юқори бўлган давлатларда акциялар сотиб олиш орқали даромад кўришга интилиш даражаси ниҳоятда паст бўлади” [7]. Капитал бозорини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан мазкур жиҳат ҳам инобатга олиниши лозим.

А.Алиқулов “капитал бозори - ўрта ва узоқ муддатли қимматли қоғозлар савдоси амалга ошириладиган бозор” [8], дея таъкидлаб ўтган. Шунингдек, капитал бозоридан капитал жалб қилиш имкониятларини ошириш, капитал бозорини ривожлантириш бўйича хориж тажрибасини миллий амалиётга татбиқ қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратган.

**Тадқиқот методологияси**

Капитал бозорида институционал инвесторлар фаолиятидаги айрим масалаларни ўрганишда илмий абстракциялаш, статистик таҳлил, тизимли таҳлил, таққослама таҳлил, анализ, синтез усулларидан фойдаланилган.

ISSN: 2181-3957
Vol. 2 Issue 05, 2023

**Таҳлил ва натижалар**

Мамлакатимиз капитал бозорида институционал инвесторлар иштирокига эътибор қаратадиган бўлсак, институционал инвесторлар кўрсаткичлари капитал бозорида бир қатор ҳал қилиниши керак бўлган масалалар мавжудлигига ишора қилади, дейишимиз мумкин. Хусусан, “Тошкент” РФБ савдо операцияларида институционал инвесторлар иштироки натижаларини ўрганадиган бўлсак, асосий иштирокчилар сифатида банклар, суғурта компаниялари ва бошқалар намоён бўлганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал). 1-жадвалда “Тошкент” РФБдаги савдо операцияларида институционал инвесторлар иштироки натижалари кўрсатилган бўлиб, унга кўра суғурта компаниялари банкларнинг 5933,9 млн. сўмлик қимматли қоғозларини сотиб олишган. Шунингдек, суғурта компаниялари давлат улуши мавжуд компанияларнинг 1754,6 млн. сўмлик қимматли қоғозларини харид қилган. Бошқа компаниялар банкларнинг 6535,3 млн. сўмлик қимматли қоғозларини, суғурта компанияларнинг 10159,7 млн. сўмлик қимматли қоғозларини сотиб олган.

**1-жадвал**

**“Тошкент” РФБ савдо операцияларида институционал инвесторлар иштироки таҳлили (1.02.2022 ҳолатига) [9]**

| № | Сотувчи позициясидаги инвесторлар | Сотиб олувчи позициясидаги инвесторлар (млн. сўм) | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Индивидуал | Суғурта компаниялари | Бошқа компаниялар |
| 1. | Банклар | 1500,2 | 5933,9 | 6535,3 |
| 2. | Давлат, маҳаллий ҳукумат ёки хорижий ташкилотлар | - | - | 32607,1 |
| 3. | Индивидуал инвесторлар | 13485,7 | 10,4 | 700,6 |
| 4. | Суғурта компаниялари | 1,7 | - | 10159,7 |
| 5. | Бошқа компаниялар | 4836,6 | - | - |
| 6. | Давлат улуши мавжуд компаниялар | - | 1754,6 | - |

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларни капитал бозорига жалб қилиш, маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг капитал бозорида фаол иштироки учун шароит яратиб бериш ва бу орқали капитал бозорини ривожлантириш учун маҳаллий капитал бозоримизда иштирок этувчи институционал инвесторлар

ва бошқа акциядорлик жамиятлари акцияларининг даромадлилигини таҳлил қилиш лозим.

2-жадвалда Ўзбекистондаги институционал инвесторлар ва бошқа акциядорлик жамиятларининг акциялар даромадлилиги таҳлили келтирилган бўлиб, ушбу жадвалда 2022 йил сентябрь ойига қадар йиллик акциядорлар йиғилишида оддий акциялар бўйича дивиденд тўлашга қарор қилган 25 та институционал инвесторлар (4 та тижорат банки, 5 та инвестиция фонди ҳамда 16 та суғурта компанияси) ва 15 та бошқа акциядорлик жамиятлари бўйича кўрсаткичлар тақдим этилган. Институционал инвесторлар орасида акцияларнинг номинал қийматга нисбатан даромадлилиги бўйича энг юқори кўрсаткични “Семург” ИФ АЖ (100%) қайд этган бўлса, “Мирзо Улугбек” АЖ ИФ, “Olim-F” АЖ ИФ, “Даромад плюс” ИФ АЖ инвестиция фондлари 50% даромадлилик билан кейинги ўринларни банд этган. Энг паст кўрсаткичлар эса суғурта компанияларига тегишли эканлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, “SQB Insurance” СК АЖ (0,56%), “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси (1,52%), “Global Insurance Group” АЖ СТ (3,00 %), “Агрос Ҳаёт суғурта компанияси” АЖ (3,03%), “DD General Insurance” АЖ СТ (3,03%), “Aria” СТ АЖ (3,15%), “Инсон суғурта” АЖ (3,68%), “APEX Insurance” АЖ (3,93%) каби суғурта компанияларининг акциялари даромадлилиги 4% га ҳам етмаган. Тижорат банклари миқёсида ўрганадиган бўлсак, энг паст кўрсаткич “Гарант банк” АЖ (1,32%)га тегишли бўлган. Бироқ, таҳлил қилинган бошқа банкларнинг ҳам акциялар даромадлилиги бўйича кўрсаткичлари қониқарли эмас. Бошқа акциядорлик жамиятларининг акциялар даромадлилигини таҳлил қиладиган бўлсак, энг паст кўрсаткичлар “Тошкент РФБ” АЖ (0,97%) ва “Қўқон мехпника заводи” АЖ (1,00%)га, энг юқори кўрсаткичлар эса “Ғалла-Алтег” АЖ (1895,00%) ва “Ўзбекистон Республика валюта биржаси” АЖ (746,21%)га тегишли эканлигига гувоҳ бўламиз.

**2-жадвал**

**Ўзбекистондаги институционал инвесторлар ва бошқа акциядорлик жамиятларининг акциялари даромадлилиги таҳлили (2021 йил якунлари бўйича) [10]**

| № | Акциядорлик жамиятлари | Сана | Дивиденд ҳажми (сўм) | Акцияларнинг даромадлилиги (номинал қийматга нисбатан, %) |
|---|---|---|---|---|
| **Институционал инвесторлар** | | | | |
| 1 | “Мирзо Улуғбек” АЖ ИФ | 9.09.2022 | 312,50 | 50,00 |
| 2 | “Olim-F” АЖ ИФ | 7.09.2022 | 50,00 | 50,00 |
| 3 | “Пойтахт банк” АЖ | 17.08.2022 | 65,09 | 6,51 |
| 4 | “Ипак йўли” АИТБ | 7.07.2022 | 0,69 | 6,90 |
| 5 | “Алском суғурта компанияси” АЖ | 5.07.2022 | 138,00 | 10,00 |
| 6 | “Трастбанк” ХАБ | 29.07.2022 | 123,00 | 12,30 |
| 7 | “DD General Insurance” АЖ СТ | 27.06.2022 | 30,34 | 3,03 |
| 8 | “Global Insurance Group” АЖ СТ | 16.06.2022 | 30,00 | 3,00 |
| 9 | “Gross” суғурта компанияси АЖ | 15.06.2022 | 290,0 | 29,00 |

International Journal of Finance and Digitalization
www.ijfd.uz
ISSN: 2181-3957
Vol. 2 Issue 05, 2023

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 10 | “My Insurance” АЖ СТ | 10.06.2022 | 124,16 | 12,00 |
| 11 | “Барака” АЖ ИФ | 8.06.2022 | 21,00 | 21,00 |
| 12 | “Инсон суғурта” АЖ | 7.06.2022 | 3,68 | 3,68 |
| 13 | “Даромад плюс” ИФ АЖ | 3.06.2022 | 250,00 | 50,00 |
| 14 | “Агрос Ҳаёт суғурта компанияси” АЖ | 3.06.2022 | 30,34 | 3,03 |
| 15 | АЖ шаклидаги “Euroasia Insurance” СК | 1.06.2022 | 219,54 | 22,00 |
| 16 | “New Life” суғурта компанияси АЖ | 24.06.2022 | 297,00 | 29,70 |
| 17 | “Asia Insurance” суғурта компанияси АЖ | 26.05.2022 | 184,30 | 18,40 |
| 18 | “SQB Insurance” суғурта компанияси АЖ | 24.05.2022 | 5,57 | 0,56 |
| 19 | “APEX Insurance” АЖ | 10.05.2022 | 39,31 | 3,93 |
| 20 | “Ingo-Uzbekistan” суғурта АЖ | 21.04.2022 | 311,00 | 23,92 |
| 21 | “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси АЖ | 9.07.2022 | 15,22 | 1,52 |
| 22 | “Aria” суғурта ташкилоти АЖ | 29.06.2022 | 31,50 | 3,15 |
| 23 | “Семург” ИФ АЖ | 26.03.2022 | 100,00 | 100,00 |
| 24 | “Гарант банк” АЖ | 24.06.2022 | 1,32 | 1,32 |
| 25 | “TEMIRYO’L-SUG’URTA” АЖ | 21.06.2022 | 227,49 | 22,75 |
| | **Бошқа акциядорлик жамиятлари** | | | |
| 26 | “Қўқон механика заводи” АЖ | 30.06.2022 | 9,00 | 1,00 |
| 27 | “Foton” АЖ | 8.07.2022 | 2328,14 | 84,70 |
| 28 | “Биокимё” АЖ | 16.09.2022 | 6175,00 | 184,30 |
| 29 | “Ўзагролизинг” АЖ | 14.09.2022 | 358,79 | 14,15 |
| 30 | “Қўқон биокимё” АЖ | 13.09.2022 | 83,1 | 8,10 |
| 31 | “Ғалла-Алтег” АЖ | 6.09.2022 | 4737,00 | 1895,00 |
| 32 | ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖ | 15.08.2022 | 4724,00 | 118,10 |
| 33 | “Ўзкимёсаноат” АЖ | 10.08.2022 | 33,78 | 2,95 |
| 34 | “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ | 15.08.2022 | 2,25 | 2,25 |
| 35 | “Ўзавтосаноат” АЖ | 8.07.2022 | 0,05 | 5,00 |
| 36 | “Ўзбекистон Республика валюта биржаси” АЖ | 6.07.2022 | 7462,14 | 746,21 |
| 37 | “Жиззах пластмасса” АЖ | 4.07.2022 | 78,14 | 2,55 |
| 38 | “Ўзкабел” АЖ ҚК | 27.06.2022 | 2000,00 | 133,33 |
| 39 | “Тошкент РФБ” АЖ | 4.07.2022 | 24,85 | 0,97 |
| 40 | “Тошкентдонмахсулотлари” АЖ | 20.09.2022 | 164,26 | 54,00 |

1-расмда “Тошкент” РФБда қимматли қоғозлар билан битимлар ҳажми йиллар кесимида акс эттирилган бўлиб, 2017 йилда 0,3 трлн. сўмдан 2022 йилда 4,8 трлн. сўмга етган. Мазкур кўрсаткичнинг сўнгги йилларда сезиларли ўсиши миллий амалиётда акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётлари ташкил этилаётганлиги ҳамда амалга оширилаётган чора-тадбирлар сабабли юзага келган.

International Journal of Finance and Digitalization
www.ijfd.uz
ISSN: 2181-3957
Vol. 2 Issue 05, 2023




**1-расм. “Тошкент” РФБда қимматли қоғозлар билан битимлар ҳажми (трлн. сўм) [11]**

Мамлакатларда эркин муомаладаги қимматли қоғозларнинг ЯИМга нисбатан бозор капиталлашувига эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатмиз кўрсаткичи бошқа мамлакатларга нисбатан анча паст эканлиги кўринади (2-расм). Хусусан, АҚШ, Сингапур каби капитал бозори ривожланган мамлакатлар кўрсаткичи мос равишда 195% ва 192% ни қайд этган бўлса, Қозоғистонда мазкур кўрсаткич 27 % ни ташкил этган. Ўзбекистонда эса эркин муомаладаги қимматли қоғозларнинг ЯИМга нисбатан бозор капиталлашуви 0,38% кўрсаткичга эга.

International Journal of Finance and Digitalization
www.ijfd.uz
ISSN: 2181-3957
Vol. 2 Issue 05, 2023




**2-расм. Мамлакатларда эркин муомаладаги қимматли қоғозларнинг ЯИМга нисбатан бозор капиталлашуви (2023 йил январь) [11]**

Юқоридаги таҳлилимиз асосида таъкидлашимиз лозимки, маҳаллий капитал бозори иштирокчиларидан аксариятининг акциялари даромадлилик даражаси қониқарли даражада эмас. Потенциал инвесторларнинг бўш маблағларини капитал бозорига жалб қилиш учун капитал бозоридаги қимматли қоғозларнинг даромадлилиги қониқарли даражада бўлиши керак. Акс ҳолда потенциал инвесторлар кўпроқ даромад олиш учун ўз маблағларини банк омонатларига ёки ўз салоҳияти ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда бошқа бизнес фаолиятига йўналтириши мумкин.

## Хулоса

Капитал бозорида институционал инвесторлар фаолиятидаги айрим масалаларни ўрганишда қуйидаги хулосалар шакллантирилган.

Биринчидан, маҳаллий капитал бозори иштирокчиларидан аксариятининг акциялари даромадлилик даражаси қониқарли даражада эмас. Потенциал инвесторларнинг бўш маблағларини капитал бозорига жалб қилиш учун капитал бозоридаги қимматли қоғозларнинг даромадлилиги қониқарли даражада бўлиши керак. Акс ҳолда потенциал инвесторлар кўпроқ даромад олиш учун ўз маблағларини банк омонатларига ёки ўз салоҳияти ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда бошқа бизнес фаолиятига йўналтириши мумкин.

Иккинчидан, Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантириш ва унда институционал инвесторлар фаоллигини ошириш учун инвестор ёки молиявий воситачи сифатида хорижий институционал инвесторларни жалб этишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли хорижий институционал инвесторлар, хусусан, чет эл банклари ва инвестиция воситачилари учун маҳаллий капитал бозорида иштирок этиш учун шароит яратиш лозим. Хусусан, чет эл банклари ва инвестиция воситачиларига лицензия олмасдан қимматли қоғозлар бўйича андеррайтинг фаолиятини амалга ошириш имкониятини тақдим этиш зарур. Мазкур ҳолатда чет эл банклари ва инвестиция воситачиларининг лицензия олмасдан қимматли қоғозлар бўйича андеррайтинг фаолиятини амалга ошириши бўйича алоҳида талаблар ва мезонлар ишлаб чиқилиши зарур.

Учинчидан, мамлакатимиз тижорат банклари таркибида давлат улуши мавжуд тижорат банклари сони кўплигини инобатга олган ҳолда мазкур банкларнинг капитал бозоридаги иштирокини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, давлат улуши мавжуд тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси фаолиятини самарали йўлга қўйиш зарур. Бу орқали капитал бозорида тижорат банкларининг воситачилик фаолияти йўлга қўйилади ва институционал инвесторлар фаоллигини ошириш имкони пайдо бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. https://www.accountingtools.com/articles/what-are-capital-markets.html - молия ва бухгалтерия билан боғлиқ маълумотлар эълон қилинувчи веб-сайт маълумотлари

2. Zaheer Ahmed, Michel Raj, S. Prakash, P. Natarajan, Jonardan Konear. Global Financial Markets and Instruments. // PONDICHERRY UNIVERSITY, MBA – International Business. – Page 11.

3. Dhan Raj Chalise. Secondary Capital Market of Nepal: Assessing the Relationship Between Share Transaction and NEPSE Index. // Management Dynamics, Vol. 23, No. 2: 53-62, 2020; https://www.researchgate.net/publication/351477084_Capital_Market/link/609a02ea92851c490fcec430/download

4. Lambert R.A., Leuz C., Verrecchia R.E. Information assymmetry, information precision, and the cost of capital. // Review of Finance. Volume 16,

Issue 1, January 2012, Pages 1-29; https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-84555186837&origin=inward&txGid=5549271200d0dbdddef2e3393f7b3233#references

5. Fenghua Wen, Qian Zou, Xiong Wang. The contrarian strategy of institutional investors in Chinese stock market. // Finance Research Letters. 11 November 2020. – P.18; https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1544612320316597

6. Ф.Мухамедов. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларини ривожлантириш йўналишлари: Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: ТМИ, 2019. – 7 бет.

7. Elmirzaev, S. (2019) "THE PRACTICE AND ANALYSIS OF MASS POSITIONING OF SHARES OF JOINT-STOCK COMPANIES," International Finance and Accounting: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 3. Available at: https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss1/3

8. А.Алиқулов. Ўзбекистонда фонд бозори орқали капитал оқимини ошириш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати – Т.: ТДИУ, 2021. – 8 б.

9. https://www.uzse.uz/abouts/uzstatistics - “Тошкент” РФБ расмий веб-сайти маълумотлари

10. http://openinfo.uz/uz/facts/?org_name=Aksiyadorlik&type=32&date_from=&date_to= - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги корпоратив ахборот ягона портали

11. https://deponet.uz/uz/page/kimmatli-kogozlar-markaziy-depozitariysi-davlat-korhonasining-2022-yil-davomidagi-faoliyati - Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган